

“МУХТАСАРУ-Л-ҚУДУРИЙ” АСАРИ – ХАНАФИЙ ФИҚҲИДАГИ МЎЎТАБАР МАНБА

«МУХТАСАРУ-Л-КУДУРИЙ» КАК АВТОРИТЕТНЫЙ ИСТОЧНИК В ХАНАФИЙСКОМ ФИКХЕ

“MUKHTASARU-L-QUDURIY” AS A PRESTIGIOUS SOURCE OF HANAFI FIQH

Нодирбек К. ТУРАБОЕВ
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
ntoraboyev79@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2021/3/3

Аннотация: Ҳанафий мазҳабиға эргашувчилар дунё мусулмонларининг қарийб ярмини ташкил қилади. Ироқ ва Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳининг марказлари бўлган. Бу икки минтақа ўртасидаги илмий муносабатлар бир-бирига кучли таъсир кўрсатган. Ўлкамиз уламолари томонидан яратилган фикҳий асарлар ислом оламида ҳам машҳур бўлган. Бағдодда яратилган “Мухтасар ал-Қудурий” асарида юртимизда эътиборли китоб сифатида фойдаланиб келинган. Шу билан биргаликда Мовароуннаҳр уламолари томонидан яратилган кўплаб мўътабар фикҳий асарлар мазкур китоб таъсирида дунёга келган. Шундай бўлса-да, бу асар юртимизда ҳалигача илмий тадқиқотларга муҳтож.

Ушбу мақолада фикҳий асарларнинг шаклланиши, “мухтасар” деган жанрнинг таърифи, “Мухтасарул Қудурий”нинг фикҳий китоблар орасидаги мавқеи, унинг афзалликлари тадқиқ қилинган. Мухтасар жанрида ёзилган китоблар бир нечта турга бўлинади. Улар орасида Қудурийнинг мухтасари ёзилишига кўра муайян асардан қисқартириб олинмаган ва муаллиф ҳам бу ҳақда изоҳ қолдирмаган. Кичик тадқиқот асосида унинг турли воситалар асосида “Зоҳирур ривоя” масалалари боғланишини очиб беришига ҳаракат қилинган. Шунингдек, унинг ёзилиш услуби, маълумотларга бойлиги уни ҳанафийлар учун доимо фойдаланадиган манбага айлантирилганлиги таҳлил этилган. Мазкур матн “Усул” деб номланган олти китобга қандай боғланиши ва ҳанафий мазҳабининг кейинги кўплаб китобларга асос бўлиб хизмат қилганлиги ўрганилган. Бу китобнинг аҳамияти ҳақида айтилган маълумотлар келтирилган. “Мухтасарул Қудурий” ҳанафий фикҳида энг кўп фойдаланилган китоблардан ҳисобланади.

Мақолада яна қуйидагилар тадқиқ этилди: асар яратилганидан бошлаб унга шарҳлар ва ҳошиялар битилган; унинг асосида мўътабар матнлар ёзилган, китобни вазнга солиб манзума шаклида асарлар ёзилган; уни яна ҳам мухтасар қилиб оддийроқ китоблар яратилган; замонавий тадқиқотчилар уни қайта изоҳлаган; савол ва жавоб услубида китоблар таълиф этилган ва асар турли тилларга таржималар қилинган. Кўп эътирофлардан матн китоблари орасида ҳам ишончли ва мўътабар китоб эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Мухтасар, “ихтисор” фикҳ, мазҳаб, ҳадис, зоҳирур-ривоя, фатво, ибодат, муомалот, «ал-мутун ал-арбаъа», “ал-мутун ас-саласа” таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж.

Аннотация: Приверженцы ханафитской школы составляют почти половину мусульман мира. Ирак и Мавераннахр издавна были центрами ханафитской юриспруденции. Научные отношения между этими двумя регионами оказали сильное влияние друг на друга. Произведения по фикху, созданные учеными нашей страны, очень популярны в исламском мире.

Произведение «Мухтасару-л-Қудури» составлено в Багдаде и издавна используется в нашей стране в качестве авторитетного источника. Многие авторитетные труды по мусульманскому праву, созданные учеными Мавераннахра, написаны под влиянием этой книги. Однако этот труд до сих пор остается неизученным в полной мере в нашей стране.

В статье изложена история становления юриспруденции, дано определение жанра «мухтасар», установлено положение «Мухтасару-л-Қудури» среди книг по юриспруденции, и уточнены его преимущества. Книги, написанные в жанре мухтасар, делятся на несколько типов. Труд Қудури согласно его резюме не является сокращенным вариантом конкретной работы, автор сам не комментирует этот факт.

Стиль изложения труда и его информативность сделали его источником постоянного использования для ханафитов. Исследовано, как текст труда соотносится с шестью книгами под названием «Усул» и, как он послужил основой для многих более поздних книг ханафитской школы. Представлена информация о значении «Мухтасару-л-Қудури» как одной из наиболее широко используемых книг в ханафитской юриспруденции.

В статье выдвигаются следующие положения: с момента создания написаны письменные комментарии и глоссы к исследуемому нами произведению «Мухтасару-л-Қудури»; на его основе были созданы авторитетные тексты; произведение было написано в стихотворной форме манзума; были созданы еще более сокращенные варианты исследуемого нами произведения; созданы книги в виде вопросов и ответов; осуществлены переводы произведения «Мухтасару-л-Қудури» на разные языки.

В настоящее время научное изучение ханафитской школы является одним из важнейших вопросов для мусульман нашей страны. Поэтому, наряду с исследованиями, посвященными сборникам фетв ханафитских ученых и книг по фикху приобретает особую актуальность осуществления дальнейшего изучения произведения «Мухтасару-л-Кудури».

Ключевые слова: мухтасар, ихтисару фикх, мазхаб, хадис, захиру-р-ривая, фетва, поклонение, обращение, «аль-мутун-л-арба'а», «аль-мутуну-с-саласа», молитва, закят, пост, хадж.

Abstract. Adherents of the Hanafi school make up almost half of the world's Muslims. Iraq and Maverannahr have long been the centers of Hanafi jurisprudence. The scientific relationship between these two regions has had a strong influence on each other. Fiqh works created by scholars of our country were in demand in the Islamic world.

The work “Mukhtasaru-l-Quduri” was compiled in Baghdad. It has long been used in our country as an authoritative source. Many works on Islamic law, created by scholars of Maverannahr, were written under the influence of this book. However, this work remains largely unexplored in our country.

The article describes the history of the formation of Hanafi jurisprudence, gives information on the genre muhtasar, establishes the position of “Mukhtasaru-l-Quduri” among the books on jurisprudence, and clarifies its advantages. We can divide books written in the muhtasar genre into several types. According to his resume, Quduri's work is not an abbreviated version of a specific work. The author himself does not comment on this fact.

In a small study, we attempted to identify the relationship between explicit storytelling releases based on different media. The style of presentation of the work “Mukhtasaru-l-Quduri” and its informativeness made it a source of constant use for the Hanafis. It examines how the text of the work relates to the six books called “Usul” and how it served as the basis for many later books of the Hanafi school. The article presents materials about “Mukhtasaru-l-Quduri” as one of the most widely used books in Hanafi jurisprudence.

The article puts forward the following provisions: from the moment of creation, written comments and glosses have been written to the work we are researching; authoritative texts were created on its basis; the work was written in the poetic form of manzum; translations of the work “Mukhtasaru-l-Quduri” into different languages have been carried out.

At present, the scientific study of the Hanafi school is one of the main issues for the Muslims of our country. Therefore, along with research devoted to collections of fatwas by Hanafi scholars and books on fiqh, the further study of the work “Mukhtasaru-l-Quduri” becomes especially relevant.

Keywords: mukhtasar, fiqh, madhab, hadith, narration, fatwa, worship, “al-mutun al-arbaa”, “al-mutun al-salasa”, prayer, zakat, fasting, hajj.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳаётнинг барча жабҳаларига, шу жумладан, диний эътиқод масалаларида ҳам эркинлик берилди. Халқимиз ўзликни англаш, асл қадриятларни тиклаш йўлига қадам қўйди. Яқин даврлар ичида мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларнинг исломий маърифатга қизиқиши ортиб бормоқда. Ҳар бир соҳада бўлгани каби бунда ҳам тўғри методологик ёндашув ва шу билан биргаликда, мазҳабларга бўлган муносабат маданиятини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ҳеч кимга сир эмаски, айтилган даврда ёшлар ўртасида диний-эътиқодий масалаларда юз бераётган тушунмовчилик ва ихтилофлар турли кўринишдаги тарафкашликларни юзага келтирмоқда. Бу муаммоларни олдини олиш ва барҳам бериш долзарб масала бўлиб турибди. Бизнинг бу йўлда қиладиган ишимиз ислом таълимотини бузиб талқин қилиш каби оқибати оғир хатти-ҳаракатларни фожиа этиш ҳамда ханафий мазҳабининг қадимий ва замонавий нодир асарларини тадқиқ қилиш ва улардаги соф исломий таълимотларни жамиятда кенг ёйишдан иборатдир. Тарихда шундай асарлар яратилдики, улар нафақат муайян бир ўлкада шуҳрат топди, балки, бутун ислом оламида мўътабар манба сифати асрлар оша фойдаланиб келинмоқда. Мана шундай асарлардан бири “Мухтасару-л-Кудурий”дир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи айтган фикҳий масалалар мажмуасига у кишининг қондалари ва услублари асосида шогирдлари айтган масалалар қўшилиб, ханафий фикҳий мазҳабини ташкил қилади (Юсуф Ш. М., 2014:32). Мазҳабларнинг боқий бўлиши учун мазкур масалалар китобларга тартиб билан жамлаб борилди. Турли мазҳаблар фикҳига оид биринчи фундаментал асарлар хижрий II аср бошларида - III аср охирида пайдо бўлди. Ушбу китобларда турли масалалар баён қилинган бўлиб, улар, асосан, савол-жавоб шаклида тузилган. Ханафий мазҳабида шунга ўхшаш асарларнинг аввалгиси Имом Муҳаммаднинг “Усул” деб номланган туркум китоблари бўлиб, “Зоҳиру-р-ривоя” деб ҳам аталади. Улар:

1. «Китобул асл» (иккинчи номи «Мабсут»);
2. «Китобуз-зиёдат»;
3. «Китобул жомеъус-сағийр»;
4. «Китобул жомеъул кабийр»;
5. «Китобус-сиярис-сағийр»;
6. «Китобус-сиярил кабийр». Мазкур китоблар

Имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг

ижтиҳодлари асосида юзага келган фикҳий масалаларни ўз ичига олган. Моликийлар шунга ўхшаш “Мудаввана”, шофеъийлар “Ал-Умм” ва ханбалийлар эса “Мубди фий шарҳил Мукни” деб номланган китобларига эгалар.

Кейинчалик, бўлимлар ва мавзулар бўйича сараланган асосий матнлар пайдо бўла бошлади, улар асосан мазҳаб имомларининг, баъзан эса унга қўшимча кейинги давр олимларининг фатволаридан иборат эди. Илм таҳсил қилувчиларнинг ёдлаб олишлари осон бўлиши учун, бундай китоблар иложи борица мухтасар шаклда баён қилинган эди. Бу “мухтасар” деган алоҳида услуб бўлиб шаклланди. Исломиий илмларни ўрганишда унинг аҳамияти каттадир. Бунда муаллиф фуқаҳолар истинбот қилган ҳукмларни ҳеч қандай далилсиз, тўғридан-тўғри, тартибга мувофиқ ёзиб кетиради.

“Мухтасар” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари луғат ва қомусий китобларда қандай келганлигини қисқача кўриб чиқамиз. “Ан-наим” арабча-ўзбекча луғатида “ихтисор” ва “мухтасар” сўзларининг луғавий таърифи: “1) (اِخْتِصَارٌ) қисқартириш, қисқариш; 2) қисқалик, озлик, калталиқ, мухтасарлик; 1) (مُخْتَصَرٌ) қисқартирилган, калта, қисқа; 2) қисқа баён этилган (ёзилган), мухтасар” (Ан-наим, 2003). “Ихтисор” нинг истилоҳий таърифи: Уламоларнинг истилоҳларида “ихтисор” учун кўп маънолар келган. Уларнинг барчаси: “маънонинг тўлиқлиги ила лафзнинг лўндалиги” ибораси атрофида айланади. “اختصرت”: яъни, “китобини яқинлаштирдим ва лафзларини озайтирдим ва қисқа гапирдим”. Ихтисор у - нарсани қисқартиришдир. Китобни мухтасар қилиш, яъни, унинг масалаларини озайтириш билан бўлади. Бу китобни мухтасар қилдим, яъни уни яқинлаштирдим, лафзларини қисқартидим, ва уни лўнда қилдим, ихтисор қилиш: у нарсани озайтиришдир, баъзан у китобнинг масалаларини камайтиш билан бўлади, баъзан эса лафзларни қисқартирса-да, маънони сақлаб қолиш билан бўлади(7-صفحة، 9102، قدامة).

Китобларни қисқа ва кўп маъноларни ўзида қамраб олиши кераклиги муаллиф яшаган даврда илм олишдаги самарали услуби сифатида эътироф этилиши билан боғлиқ. Чунки, у вақтда таълим олиш, асосан, матнларни ёд олиш билан бирга кечган. Катта ҳажмдаги китобларни ёдлаш мушкул бўлса, кичиклари кўп нарсаларни қамраб ололмасди. Шунинг учун “мухтасар” деган жанр ўша давр талаби ўлароқ шаклланди. Абу Исҳоқ аш-Шерозий (ваф. 476 х) “Ат-Танбеҳ”нинг муқаддимасида айтади:

“Бу шофеъий мазҳаби усули ҳақидаги мухтасар китобдир. Агар уни мубтадий ўқиса, у ҳақда тасаввур ҳосил бўлади ва кўп масалаларидан огоҳ бўлади, агар унга мунтаҳий назар солса, у билан жамики воқеаларни эсга олади”(11-صفحة، 3891، الشيرازي أ.). Гапнинг ҳам қисқа ва лўнда бўлиши ортиқча кўп гапдан яхши эканлиги ҳаммага маълум. Мўътабар китобларда бу ҳақда кўплаб ҳикматли сўзлар келади. “Бир ҳаким зот деди: каломнинг яхшиси оз бўлса-да далолат қилувчи ва чўзилиб кетмаганидир, бўлмаса малоллантириб қўяди”(71-صفحة، 0102، الشيرازي أ.).

“Мухтасар” истилоҳи ўрнида баъзан “матн” сўзи ҳам ишлатилади.

“Мухтасар” ва “матн” истилоҳлари бир ўринда умумий маънода келса, бошқа ўринда алоҳида маънода келади. Улар орасидаги чалкашликни кўтариш ва иккиси орасидаги хусус ва умумни равшанлаштириш учун манбалардаги изоҳлардан келтирамиз. “Матн” луғатга кўра: “Ал-мўъжам ал-васит” да қуйидагича: “Ердан дўм бўлиб чиқиб тургани ва ернинг қаттиқ қисмини айтади”(أحمد بن حنبل). Файрузабодий айтади: “Матн: никоҳ, шартнома, зарба ёки унинг қаттиқлиги, ерда кетиш, чўзилиш” каби маъноларини баён қилади (7-صفحة، 8002، الفيروز ابادي).

Истилоҳда эса, “Китобнинг матни – у асл бўлиб, шарҳланади ва унга хошиялар битилади”(أحمد بن حنبل). Исломиий илмларнинг ўзига ҳос истилоҳлари бўлиши билан бирга бир сўзни турли соҳада ҳар хил ишлатиши ҳам мумкин. Бунга “матн” сўзи мисол бўлиши мумкин. “Матнул китоб” деганда шарҳлар ва хошияларнинг зидди тушунилади(3-صفحة، 8002، الشمراني). Муҳаддислар истилоҳида: “Матн: у ғоя бўлиб, каломдаги иснод унга борадиган нарсадир”. Матннинг луғавий ва истилоҳий таърифидан аён бўладики, албатта матн мухтасар маъносида ҳам келади. Лекин шарҳланган китоблар яна шарҳланиши ёки унга хошиялар битилиши мумкин. Ана ўша шарҳланган китоблар кейинги шарҳ ва хошиялар учун матн ҳисобланса-да, “мухтасар” дейилмайди. Фикҳий истилоҳда “Мутун” (араб. - “матнлар”) деганда – уларни мазҳабнинг изланишлар ва тадқиқотлар билан машҳур бўлган кибор уламоларнинг иқтидорлилари таълиф қилган нарса тушунилади(صفحة، 4002، املا). (15. Бундан аён бўладики, фикҳ илмида шарҳ ва хошиялар битилмаган қисқа асарни ҳам мухтасар, ҳам матн дейиш мумкин экан. Катта ҳажмдаги ёки шарҳланган асар “матн” деб юритилиши мумкин, лекин у “мухтасар” ҳисобланмайди.

МУҲОКАМА

Фикҳ илмига оид китоблар бир хил даражада эмас. Манбаларда улар уч даражага бўлинади:

Биринчи даража. Бу даражадаги китоблар юқорида баёни келганидек «Усул» деб аталади. Улар имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг қавллариини ўз ичига олган бўлиб, имом Муҳаммад томонидан таълиф қилинган;

Иккинчи даража. Бу даражадаги китоблар «наводир» деб ҳам аталади. Улар мазҳабнинг катта имомларидан ривоят қилинган бўлиб, мазкур олти китобга кирмай қолган масалаларни ўз ичига олгандир. Наводир китобларга имом Муҳаммаднинг ўша машҳур олти китобидан бошқа «Касаниёт», «Ҳоруниёт», «Журжониёт», «Рукайёт» китоблари ва Ҳасан ибн Зиёднинг китобларига ўхшаш китоблар киради;

Учинчи даража. Фатволар ва воқияёт китоблари. Бунда кейин келган фақиҳлар мазҳабнинг аввалги мужтаҳидларидан ривоят келмаган масалаларда ўзларидан савол сўралганда берган жавоблари йиғилган бўлади. «Кейин келган мужтаҳидлар»дан мурод Абу Юсуф ва Муҳаммад ҳамда улардан сўнг келганларнинг асҳобларидир. Улар кўпчилик бўлиб, хабарлари табакот китобларида келган (Юсуф Ш. М., 2011:202,205).

Биринчи даражадаги манбалар гарчи ҳанафий мазҳабининг асоси бўлган ҳолатида ҳам кейинги даврда тўғридан-тўғри истифода қилинмай қўйди. Бунинг сабаби уларнинг хажми катта ва лафзи мураккаб бўлганлигидир. Фақиҳлар бу асарлардаги масалаларни ихчамлаштириб тушунишга қулай ва содда шаклга келтирдилар. Улар мухтасар матнлар деб атала бошлади. Бундай асарлар бевосита Имом Муҳаммаднинг асарлари билан боғланади. “Ат-тасҳиҳ” муаллифи қуйидагича келтиради: “Усул”нинг масалаларига боғлиқ бўлган ва мазҳабни етказишда асосли китоблардан Ҳоким Шаҳиднинг “Ал-Кофий” ва Имом Сасахсийнинг “Ал-мабсут” асараридир. Улуғ шайхларнинг мухтасарлари ҳам “Усул”га боғланади (92 صفحة، 2002، قطلوبغا). Ҳанафий мазҳабида мўътабар матнларига эга бўлган улуғ шайхлар Имом Таҳовайй, Имом Кархий ва Имом Қудурийлардир. Бундан билинадики, уларнинг мазкур асарлари Абу Ҳанифа ва унинг катта шогирдлари томонидан берилган фатволарини ўзида жамлаган “Усул” китобларига чамбарчас боғлиқ.

Биз сўз юритаётган “Мухтасарул Қудурий” асарининг муаллифи Абу ал-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон ал-Қудурий ал-Бағдодий ал-Ҳанафий 362-ҳижрий

(973-мелодий) санада Бағдодда таваллуд топган ва ўша ерда Ражаб ойининг 15-кунида 428-ҳижрий (1037-мелодий) йилда 66 ёшида вафот этди. “Ал-Қудурий” нисбаси “қудур” лафзига оид бўлиб, маълумотларга кўра “Қудур” Бағдоднинг бир қишлоғи. Суютий ва Самъонийлар бу “қидр” (араб. - “қозон”, кўплиги “қудур”) савдоси ва хунармандчилигига тааллуқли бўлиб, ўзи ёки ота-боболари шу иш билан шуғулланган эканлигини тўғри деб ҳисоблашган (7 صفحة، 4002، القدوري). Буни кўпчилик ҳикоя қилган. Улардан Ибн Халликон зиёда қилиб айтади: “...кейин уни Ал-Мансур кўчасидаги қабристонга кўчирилди ва ўша ерга ҳанафий фақиҳ Абу Бакр Ал-Хоразмий ёнига дафн қилинди” (الفرشى، الصفحات 7791، 052-742).

Имом ал-Қудурийнинг фаолияти Аббосийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келиб, айна пойтахт – Бағдодда ҳаёт кечирди. Халифалардан Тоих (363/974-381/991), Қодир (381/991-422/1031) ва Қоим (422/1031-467/1075)лар ҳукмронлик қилган даврларда яшаб ўтди. Бу даврда илм-фан гуллаб яшнади.

Имом ал-Қудурий ўз замонасида мазҳабининг фуқаҳолари орасида ёрқин мартабага етдики, ҳатто ҳанафийликдаги қадрининг улуғлиги ва обрўсининг баландлигидан Хофиз Хатиб ал-Бағдодий шундай дейди: “Ироқда Абу Ҳанифа мазҳаби раҳбарлиги унга ўтди”. Абу Исҳоқ аш-Шеъротий айтади: “Абулхусайн ал-Бағдодий у ал-Қудурий номи билан танилган бўлиб, асримизнинг Абу Ҳанифа мазҳаби имоми бўлди” (الشيرازي أ، 1041، صفحة 421). Ибн Касир деди: “Моҳир имом ва мунозара қилишда асосли эди... ва ёд олинадиган “Мухтасар” нинг соҳибидир” (42 صفحة، 1991، كثير). Ҳамма биографлар яқдиллик билан имом ал-Қудурийни ўз даврининг ҳанафийлари етакчиси бўлганлигига эътироф этадилар. Шунингдек, имом бошқа илмларда ҳам етук бўлган. Фикҳ бобида қанча юқори мартабага эришган бўлса, муҳаддислар наздида ҳам ҳадис хофизларидан деб ҳисобланади. Шогирди ал-Ҳатиб ал-Бағдодий у ҳақда шундай ёзади: “У озроқ ҳадис ривоят қилган ва мен уларни ундан ёзиб олганман. У сико (араб. - ишончли, ростгўй) одам эди ва фикҳдаги даражасига ўзининг заковати сабабидан эришган. Ироқда Абу Ҳанифа издошларининг етакчиси бўлди” (773/4، 2241، البيغدادى). Бундан кўринадики, имом фикҳдан ташқари, ҳадис илмида ҳам моҳир бўлган. Унинг “Жузъун фил ҳадис” деган асари ҳам бўлиб, унда ўзи ривоят қилган ҳадислар жамланган.

Фикҳий матн эътибор топиши учун унда заиф ривоятлар, маржух (кучсиз) қавллар учрамаслиги, ихтилофларнинг барчаси зикр этилавермаслиги, ўқилиши осон, далиллар зикр этилмаслиги ва иборалари қисқа бўлиши керак. Ҳижрий VIII асрдан кейин яшаган ҳанафий мазҳабининг уламолари, алоҳида, «Ал-мутун ал-арбаъа» (араб. – “Тўрт матн”) деб номланган тўртта китобни ажратиб кўрсатишган. Улар “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя” ва “Мажмауль баҳрайн” асарларидир. Аммо кейинги олимлар “Ал-мутун ас-саласа” (араб. – “Уч матн”) деб аталган учта китобга урғу беришди: “Виқоя”, “Канз” ва “Мухтасар ал-Қудурий”, 6091 (الكنوز، الصفحات 801-701). Бизнинг мазҳабимиз уламолари доимо ушбу беш асосий матн (“Қудурий”, “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя”, “Мажмауль Баҳрайн”) га таяниб келганликларини кўрамиз. “Мухтасар ал-Қудурий” юқоридаги матнлар орасида энг қадимий ва мўътабар китоб ҳисобланади. “Мухтасар ал-Қудурий” китоби 12000 га яқин масалаларни қамраб олган (1491، خليفة) (صفحة 1361). Бошқа фикҳий китоблар сингари, у мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган. Бу асар таҳорат китоби билан бошланади. Иккинчи китоб намозга бағишланган бўлиб, ўн тўққиз бобдан иборат. Навбатдаги китоб закотга оид бўлиб, унга ўн та боб киритилган. Шунингдек, асардан ҳаж, рўза, савдо-сотик, вақф, шаҳодат, қозининг одоби, васият, фароиз каби жами олтмиш учта китоб ўрин олган (Ganiyev, A., & Umaraliev, S. 2019:443).

Асарнинг таркибий таҳлили унинг ислом фикҳи масалалари бўйича муфассал маълумот бера оладиган ноёб манба эканини кўрсатади. Шу сабабли асар яратилган даврдан бошлаб қўллаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг аксарият хазиначиларига тарқалган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамғармасида, Россия ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ва Туркманистон қўлёзма жамғармаларида асар ва унга ёзилган шарҳларнинг ўттиздан ортиқ нодир қўлёзмалари мавжуд. Уларни тарихий манбашунослик ва илмий-қийосий методлар асосида тадқиқ этиш бугунги кун исломшунос олимлари олдида турган муҳим масалалардан бири саналади.

“Мухтасарул Қудурий” ҳанафий фикҳидаги мўътабар матнлар орасида ҳам ўзига хос ўринга эга. Мазҳабнинг асосий манбаси “Зоҳирур ривоя” бўладиган бўлса, Ҳоким Шаҳид (ваф.334х) ундаги такрор келган масалаларни қисқартириб ўзининг “Ал-Кофий” деб номлаган китобига жамлади. Унга

бир нечта шарҳлар битилди. Уларнинг орасида энг машҳур Абу Бакр Муҳаммад Сарахсий (ваф.483х) нинг “Ал-мабсут” китоби ҳисобланади. Ҳоким Шаҳиднинг “Ал-Кофий”сидан кейин ўша асрнинг ўзида (тўртинчи ҳижрий) бир нечта мухтасарлар юзага келди. Улардан бири Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф.321х) “Мухтасар”идир. Яна бири Абулхусайн Убайдуллоҳ Кархийнинг (ваф.340х) “Мухтасар” асари. Ҳижрий бешинчи асрга келиб яна бир матн дунё юзини кўрдик, унга суянишда юқорида ўтган Ҳоким Шаҳид ёзган “Ал-Кофий” ва имом Таҳовий ва имом Кархийларнинг мухтасарларидан баъзи жиҳатларига кўра ўзиб кетди. Бу Имом Қудурийнинг “Мухтасарул Қудурий” китоби эди. Бу асар ҳанафийларда кенг тарқалганлиги, кўпинча одамлар фикҳни у китобдан ўрганиши ва амалда унга суянганликлари сабабли у “Ал-китоб” деб номланган (صفحة 13، قطوبغا، 2002) ва “Мухтасарул муборақ” номи билан ҳам машҳур. Бошқа бир мусанниф ҳам шунга ўхшаш таърифни келтиради: “Фикҳий истилоҳда “Ал-китоб” деганда Қудурийнинг “Мухтасар”и тушунилади. Унинг бундай номланишига сабаб мазҳабнинг таянчи бўлиб қолганидир. Бу худди наҳв илмида Сибавайҳнинг асари “ал-китоб” деб аталганидек” (81،41، الصفحات 5102، الأسفل). Аллома Абдулхай Лакнавий (ваф. 1304х) “Умдатур риоя” китобида юқорида зикри келган мухтасарларни мадҳ этиб шундай дейди: “ уларни Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Кархий, Ҳоким Шаҳид ва Қудурий каби имомларнинг иқтидорлилари, илм, зуҳд, фикҳ билан танилган ва ривояти ўта ишончли эканлиги билан машҳур бўлган фуқаҳоларнинг улуғлари таълиф этганлар” (صفحة 74، 1791، الکنوي ع.). Бошқа ўринда эса: у худди серсув денгиз, баракали ёмғир, кичик жамловчи, фойдаси улкан, фикҳий матнларнинг яхшироғи ва афзали, фойдаси тўлиқроғи ва мукамалроғи... (صفحة 2، الکنوي ع.). Албатта, “Мухтасарул Қудурий” қимматбаҳо китоб бўлиб, фуруъул фикҳдаги матнларнинг энг яхшиси ва фойдалисидир. Шунинг учун уламоларнинг улуғлари унга шарҳлар танбеҳотлар ва изоҳлар ёзишга бел боғладилар (صفحة 5، 8002، الهندي).

Мухтасар жанрида ёзилган китобларни бир нечта турга бўлинади.

Биринчиси: Асли мухтасар бўлган китоблар, яъни ёзилишида муайян асарни асос қилиб олинмаган ёки асос қилиб олинган манбалар ҳақида маълумот қолдирмаган. Бунга мисол Имом Қудурийнинг “Мухтасар”и.

Иккинчиси: Муайян асл китобга тобеъ бўлган мухтасар бўлиб, уни қисқартирилган ва

масалаларини қамраб олган китобдир, масалан, Имом Насафийнинг (ваф.710х) “Канзуд дақиқ” китоби бўлиб, уни ўзининг “Ал-вофий” асаридан қисқартириб олган.

Учинчиси: Бунда мухтасар бир қанча ассларга тобеъ бўлиб, улардан қисқартирилган бўлади ва уларнинг масалаларини ўз ичига олади ва уларларнинг ҳулосаларини жамловчи бўлади. Гарчи бу китобларнинг баъзи соҳиблари уни мухтасар деб номламаган бўлсалар ҳам. Бунга Мусилийнинг (ваф.683х) “Ал-мухтор лил-фатво” асари мисол бўлади (صفحة 531, 4102, مزي). “Мухтасарул Қудурий” асари эса биринчи навдаги туркумга мансуб бўлиб, ёзилишида муайян китобни асос қилиб олинмаган. Муаллиф ҳам бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қолдирмаган.

Мухтасар китобларнинг афзалликлари ҳақида ушбу услубга кўра китоб таълиф қилган уламолар ва бошқалар бир-бирини қўллаб-қувватловчи турли фикрлар айтганлар. Бурҳониддин Марғиноний «Бидоятул мубтадий» асарининг муқаддимасида бундай ёзади: «Ёшлик чоғларимда фикр илмининг барча турларини қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб ҳақида ўйлаб юрар эдим. Иттифоқо, сафар вақтида Қудурий қаламига мансуб «Ал-Мухтасар» билан танишдим ва уни энг гўзал, қисқа, ажойиб асар деб топдим» (صفحة 6391, المرغيناني, 22). “Ат-тасхилуз зарурий лимасоилил Қудурий” китобида шундай баён қилинади, “Отажонимиз шайх Муҳаммад Салим Усмон раҳимахуллоҳ имом Қудурийнинг китобини жуда яхши кўрар эдилар. Айтдиларки: “Мухтасарул Қудурий” масалаларни жамлаган китоб бўлиб, ундан бошқа матнлар уни ўз ичига олмаган эди.” (صفحة 7, 1141, البرني). Машҳур “Мухтасарул виқоя” китобининг муаллифи фақиҳ Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий Ҳанафий (в. 745х.) китобининг муқаддимасида шундай ёзади: “Лафзлари қисқа ва маънолари кўп бўлганлигидан, унга ўхшаш китоб ила замоннинг кўзига сурмаланмагандир. Лекин аҳли замоннинг кўпларининг ҳиммати уни ёд олишга қисқалик қилиб қолди. Бас, ундан энг керак нарсаларни ичига олган ҳолда ушбу “Мухтасар”ни туздим. Ким “Ҳидоя”нинг масалаларини ёдда сақлашни яхши кўрса, “Виқоя”ни ёд олсин. Кимни вақти шошириб қўйса, иноят жловини ушбу “Мухтасар”га бурсин” (Юсуф Ш. М., 2008, р. 65). Ибни Ҳимом Ҳанафий (ваф. 861 х) усулга доир мухтасарининг муқаддимасида айтади: “... Озгинадан кейин менга унинг улкан китоб эканлиги намоён бўлди, асримиз аҳлидан билдимки, уларнинг ғайратлари фикрдан

бошқасида мухтасарларга йўналганлигини ва катта китоблардан юз ўгирганлигини тушундим, бас қамровли бўлган мухтасарга бурилдим, инша Аллоҳ...” (الإسكندري، ٦١٣١هـ، صفحة 32).

“Мухтасарул Қудурий” асарини бошқа матнлар билан илмий қиёс қилиб кўрилса, унинг лафзи қисқа ва маъноси кенг бўлиб, тушунишга осон, ёд олишга қулай эканлигини билиш мумкин. Шу билан биргаликда, сўзларни ишлатишда далил бўлган ояти карима ва суннати набавиядаги калималардан табарруқ қилиб кенг фойдаланган. Бу эса ўқувчининг зехнига далилларни осон келишига ёрдам беради. Бу туркумдаги китобларда далиллар баён қилинмайди. “Мухтасарул Қудурий”нинг бошқа мухтасарлардан яна битта фарқи шуки, мусанниф китобида баъзи ўринларда оят ва ҳадислардан далиллар келтиради. Китобни оят билан бошлайди. Кейин эса бир нечта ўринлардагина оят ва ҳадисдан келтиради. Ҳаммаси бўлиб икки ўринда оят ва учта ўринда ҳадисни келтиририб ўтади. Улар қуйидагилар:

“Таҳорат” китобининг бошланишида:

قال الله تعالى : ﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ﴾

Аллоҳ таоло: “Эй, имон келтирганлар, намозга турган вақтингизда юзларингизни ва қўлларингизни чиганокларигача ювинг, бошларингизга масҳ тортинг ва оёқларингизни тўпиқларигача (ювинг)” деган. “Моид” сураси 6-оят.

Кейинги оят “Закот” китобида:

قال الله تعالى : ﴿ إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ ﴾

Аллоҳ таоло: “Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга...” деган. “Тавба” сураси 60-оят.

Учта ҳадис ҳаммаси “Таҳорат” китобида келади.

روى المغيرة بن شعبة | أن النبي صلى الله عليه وسلم أتى سباطة قوم فبال وتوضأ ومسح على ناصيته وخفيه |

Муғйира ибн Шуъба ривоят қилади:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қавмнинг ахлатхонасига келдилар ва бавл қилдилар кейин таҳорат олдилар ва бошига (олд қисмига) ва икки маҳсисига масҳ тортдилар.

| أن النبي عليه الصلاة والسلام أمر بحفظ الماء من النجاسة فقال لا يبولن أحدكم في الماء الدائم ولا يغتسلن فيه من الجنابة |

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сувни нажосатдан пок сақлашга амр қилдилар, бас, айтдилар: сизлардан бирортангиз окмайдиган сувга бавл қилмасин ва унда жунубликдан покланмасин.

| قال عليه الصلاة والسلام : إذا استيقظ أحدكم من منامه فلا يغمسن يده في الإناء حتى يغسلها ثلاثاً فإنه لا يدرى أين باتت يده |

Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: сизлардан бирортангиз уйқусидан туриб қўлларини уч марта ювмасдан туриб идишга солмасин, албатта у қўллари қаерда тунаганини билмайди.

Аллома Абулҳусайн Қудурий тўғрисида ва пархезкорлиги ҳамда улкан илм эгаси бўлганлиги ва бошқа кўплаб сифатлари билан биргаликда, у кароматпеша авлиё сифатида ҳам эътироф этилган. Буни илм аҳлининг “Мухтасар”га бўлган муносабатларидан ҳам билиш мумкин. Бу китобнинг аксари шорихлари унинг илмий қимматидан ташқари яна алоҳида ҳислатлари борлигини эътироф этадилар. Бадриддин Айнийнинг хабар беришича, имом ал-Қудурий ушбу китобни ёзгандан сўнг, уни ҳажга ўзи билан олиб борган ва Аллоҳдан ушбу китобни хато ва камчиликлардан сақлашини дуо қилиб сўраган. Ҳаждан кейин у китобни варақлаганида, баъзи саҳифаларида ўчирилган жойларни топди. Бу шу имомнинг кароматидир (832/4، صفحہ 0002، العینی). Яна баъзилар айтганки: ким уни ёд олса, фақирликдан ҳоли бўлади, ҳатто айтилдики, агар уни солиҳ устоз олдида ёддан ўқиб берса ва устози барака сўраб дуо қилса, ундаги ҳар бир масалала баробарида дирҳамга эга бўлади (73، صفحہ 1791، الحنفی). “Мухтасарул Қудурийнинг” эътибори ва шуҳрати шу даражага етганки, уни вабо кунлари ўқилса, вабо йўқолади, деб табаррук санашган. Бизнинг юртда ҳам бу асар қадимдан мадрасаларда ўқитиб келинади. Толиб илмлар орасида ким бу “Мухтасар”ни ёд олса ҳожати раво бўлади, бойликка эга бўлиб солиҳа аёлга уйланади деб ишонишган.

НАТИЖАЛАР

Агар кичкина изланиш олиб борсак ушбу асарни ёзишда Имом Қудурий қайси китобларга таянганлигини ва ўзи эса қайси асарларга манба бўлиб хизмат қилганини билиб оламиз. Унда Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг (321/933) “Мухтасар” китобига ишора қилан. Шунингдек, у катта эҳтимол билан Абулҳасан ал-Кархийнинг (340/951) “Мухтасар” асарида ҳам фойдаланган, чунки Имом Қудурий ушбу китобга шарҳ ёзган, бошида унинг шогирди Абу Али аш-Шошийнинг (Mukhamedov N., 2020:138) сўзларидан иқтибос келтирган (344 / 955): “Бу китобни ўрганганлар бизнинг мазҳабимизни ўзлаштирадилар ва бу китобни тушунганлар бу мазҳабни яхшироқ тушунадилар” (الكادوري، 1791، صفحہ 01). Китобда ҳар бир масала, асосан, “Зоҳирур ривоя” китобларига таянганган эканлигини шундан билиш мумкинки, иттифоқ қилинган масалаларда

изоҳ берилмаган. Ихтилоф қилган масалаларда кимнинг қараши қандай эканлиги кўрсатиб ўтилган. Асосан, Имом Абу Ҳанифа ва икки шогирдига тегишли фатволарни айтиб ўтган бўлса, баъзи ўринларда учинчи шогирди имом Зуфарнинг муносабатини ҳам айтиб ўтади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Мухтасар ал-Қудурий” кўплаб кейинги китоблар учун манба бўлиб хизмат қилган. У ҳанафий фикҳидаги матлар учун онага ўхшайди, улар ундан қўмак олган ва унга барпо қилингандир. Бу қуйидаги муҳокама орқали билинади.

1. “Тухфатул фуқаҳо”: . «Тухфатул Фууқаҳо» китобининг муаллифи Алоуддин ас-Самарқандий (539/1144) ўзининг китобини “Мухтасарул Қудурий”да қайд этилмаган мавзуларни таҳлил қилиш учун ёзди ва унга зиёдалик ва мулоҳазалар келтириш билан тузиб чиқди. Ас-Самарқандий айтади: Билингки, мухтасар шайх Абулҳусайн Ал-Қудурийга мансуб бўлиб, у фикҳда ишлатиладиган жумлаларни жамловчидир. Ҳеч бир даврда эътиборсиз қаралмаган (5، صفحہ 4891، السمرقدي).

2. “Бидоятул мубтадий”: муаллифи Али ибн Абу Бакр Ал-Марғиноний (ваф.593 х) “Бидоятул мубтадий” асарини ёшлик вақтида ҳажми кичик, расмий жиҳатдан катта эътиборга эга китоб бўлишини кўзлаб ёзган. У Бағдод сафари вақтида Абул Ҳусайн Қудурийнинг “Мухтасарул Қудурий” асарида таъсирланиб, унга асосланиб таълиф эта бошлаган (Қориев, 2009, р. 115). Аллома ўз асарига Имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “Жомеъус сағийр” ва Имом Қудурийнинг “Мухтасар ал-Қудурий” асарларидаги масалаларни жамлаб, тушуниш учун қийин бўлган жойларига аниқлик киритиш учун уни ўзи “Кифоятул мунтаҳий” да шарҳлади. Кейин уни “Ал-ҳидоя” номи билан мухтасар қилди.

3. “Такмилатул Қудурий”: муаллифи Ҳисомуддин Али ибн Аҳмад ибн Маккий Ар-Розий (ваф.598х), у “Такмила”да “Мухтасарул Қудурий” назмидаги кам учрайдиган масалаларни ва “Жомеъус сағийр”, “Мухтасарул Таҳовий”, “Ал-иршод” ва “Мўъжазул Фарғоний” каби мухтасаротлардаги насрий масалаларни жамлади.

4. “Викоятур ривоя фи масоилул ҳидоя”: муаллифи Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорий Содруш-шарийъанинг (673/1274)нинг «Викоя» китоби ҳанафийликдаги мўътабар матнлардан бўлиб, “Ҳидоя” дан қисқартирилган мухтасардир. Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, унга ҳам “Мухтасар ал-Қудурий” асос бўлган.

5. **“Ал-мухтор”**: муаллифи Абул Фазл Абдуллох ибн Маҳмуд ал-Мусилий (ваф.683х). Бу китоб ҳам ҳанафийликдаги машҳур матнлардан бўлиб, “Мухтасарул Қудурий” ва унга қўшимчалар билан яратилган.

6. **“Мажмаъул баҳрайн ва мултақан наййирайн”**: муаллифи Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб Ас-Соатий (ваф.682х). муаллиф унда “Мухтасарул Қудурий” ва Абу Ҳафс Насафийнинг “Манзума” асарини қўшимчалар билан жамлади. Тошкўпирзода айтади: “...унинг тартиби ва ихчамлиги нақадар гўзал ва ажойибдир. Кейин ўзи уни икки мужалладда шарҳлади” (زاده، 5891، صفحه 761/2).

7. **“Завоидул хидоя алал Қудурий”**: муаллифи Али ибн Наср ибн Умар Имом Нуриддин ибн ас-Сувайсий (ваф.695х).

8. **“Ал-вофий”**: муаллифи Абул Баракот Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (ваф.710х). Бу асарда “Мухтасарул Қудурий” ва Имом Муҳаммаднинг “Алжомеъул кабир”, “Алжомеъус сағир” ва “Аз-зиёдат” масалаларини ҳамда “Манзуматун Насафий” ва бошқа воқеотларни жамлади.

9. **“Канзуд дақоик”**: муаллифи Абул Баракот Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (ваф.710х). Асарни ўзининг юқорида ўтган “Ал-вофий” китобини мухтасар қилиш орқали яратди. Табиийки, у “Мухтасарул Қудурий”га асосланган эди.

10. **“Мултақил абҳур”**: муаллифи Иброҳим ал-Ҳалабий (ваф.956х). Унда “Мухтасарул Қудурий”, “Ал-Мухтор”, “Канз” ва “Виқоя” масалаларини жамлаган (عحفص، 2020، ج1ا). Ўзи асарининг ёзилиш сабабларини шундай баён қилади: “Мендан фойдаланувчи толиблардан баъзиси уларга атаб “Мухтасарул Қудурий”, “Ал-Мухтор”, “Ал-канз” ва “Ал-виқоя” масалаларини қамраб оладиган бир китобни осон иборалар ила жамлашимни сўрашди, мен қабул айладим. Унга “Ал-мажмаъ”даги эҳтиёж тушадиган баъзи масалаларни ва озгина “Ал-Ҳидоя”дан ҳам қўшдим” (Х. Аминов, С. Примов, 2017, р. 172).

“Мухтасарул Қудур” ҳанафий фикҳида энг кўп фойдаланилган китоблардан ҳисобланади. Бирор китоб ҳали бу қадар эътиборга тушмаган. Ёзилганидан бошлаб ҳозирги даврга қадар унинг турли шаклларда илмий тадқиқот марказида бўлганини кўришимиз мумкин. Масалан, 1. унга шарҳлар ва хошиялар битилди, 2. Унинг асосида мўътабар матнлар яратилди, 3. Китобни вазнга

солиб манзума шаклида асарлар ёзилди, 4. Уни яна ҳам мухтасар қилиб осон китоблар яратилди, 5. Замонавий тадқиқотчилар уни қайта изоҳлаб чиқдилар, 6. Савол ва жавоб услубида китоблар яратилди, 7. Турли тилларга таржималар қилинди. Бу нарсани куйидаги схема асосида кўришимиз мумкин.



ХУЛОСА

Юқоридагилардан аён бўладики, “Мухтасарул-Қудурий”, шубҳасиз, ҳанафий мазҳаби тарихидаги энг аҳамиятли матн бўлиб, мазҳабнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу матн, гарчи, минг йил аввал ёзилган бўлсада, ҳанафий фикҳини ўргатадиган даргоҳларда шу кунгача бошланғич матн сифатида ўқитиб келинмоқда. Қудурийнинг китобидаги баён қилиш услуби ва маълумотларга бойлиги уни ҳанафийлар учун доимо фойдаланадиган манбага айлантирди. Мазкур китоб ҳанафий мазҳабининг кейинги кўплаб китобларига катта таъсир кўрсатди. Уни ҳақли равишда Абу Ҳанифа мазҳабининг мўътабар китобларидан бири дейиш мумкин. Ҳанафий мазҳаби қарашларига кўра бирор ихтилофли масалага йўлиққанда фикҳий матн китобларига мурожаат қилиш қоида ҳисобланади. Фикҳий матн китоблари деганда, жами матн китоблари эмас, балки иқтидорли имомлар, илму зуҳдда, фикҳу ривоятда таниқли улўф фақиҳларимиз таълиф қилган мухтасар матн китоблари назарда тутилади.

Ўлкамизда ҳанафий мазҳаби ривож топиб ислом оламида эътироф этилган кўплаб фикҳий китоблар ёзилди. Қудурийнинг “Мухтасар”ини шу китоблар билан Имом Абу Ҳанифа ва асҳобларининг фатволарини ўзида жамлаган “Зоҳирур ривоя” масалаларини боғлаб турувчи восита бўлиб хизмат қилган десак муболаға бўлмайди. Эътирофлардан

кўринадики, матн китоблари орасида ҳам ишончли ва мўътабар китоб ҳисобланар экан. Ҳанафий мазҳабини ўрганиш юртимиз мусулмонлари учун долзарб масалалар қаторига кўтарилган. Шунинг учун ҳанафий олимларининг фатво тўпламлари, фикҳий матн китобларини таржима қилиб ўзбек китобхонларини баҳраманд қилиш зарур. Жумладан, ишончлилиги ва фойдалилиги жихатидан юксак эътироф этилган “Мухтасарул Қудурий” асарини тадқиқ қилиб, бугунги кунда мавжуд мазҳабсизлик ғояларини тарғиб этаётган ва мазҳаб вакиллари фаолиятини ногўри талқин қилаётганларга раддия беришдаги ўрни очиқ бериш ва асарининг илмий-танқидий матни ва таржимасини яратиб илмий муомалага киритиш орқали исломий маърифат изловчиларнинг эҳтиёжларини қондириш жуда ҳам зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ан-наим. (2003). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
2. Ganiyev, A., & Umaraliev, S. (2019). THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 25.
3. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // *The American Journal of Social Science and Education. Innovations* (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20>
4. Қориев О. (2009). Фарғона фикҳ мактаби ва Бурхониддин Марғиноний. Тошкент: Фан.
5. Ҳ. Аминов, С. Примов. (2017). Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Тошкент: Мовароуннаҳр.
6. Юсуф Ш. М. (2008). Кифоя 1-жуз. Тошкент: Шарқ.
7. Юсуф Ш. М. (2014). Мазҳаблар – бирлик рамзи. Тошкент: Ҳилол нашр.
8. Юсуф Ш. М. (2011). Фикҳий йўналишлар ва китоблар. Тошкент: Шарқ.
9. ابن قدامة. (2019). المغني.
10. ابن همام الدين الإسكندري. (١٣١٦ هـ). التحرير في أصول الفقه. بيروت: دار الكتب العلمية
11. أبو إسحاق إبراهيم بن علي الشيرازي. (1983). التنبيه. بيروت: عالم الكتب.
12. أبو إسحاق الشيرازي. (1401). طبقات الفقهاء. بيروت: دار الكتب العلمية.
13. أبو الحسين القدوري. (2004). التجريد. القاهرة: دار السلام.
14. أبو الفداء الحافظ ابن كثير. (1991). البداية و النهاية. بيروت: مكتبة المعارف.
15. أحمد بن علي أبو بكر الخطيب البغدادي. (1422). تاريخ بغداد. بيروت: دار الكتب العلمية
16. أحمد مصطفى بن طاش كبري زاده. (1985). مفتاح السعادة ومصباح السيادة. بيروت: دار الكتب العلمية

17. الزيات, أحمد بن حسن و رفقاءه. المعجم الوسيط.
18. العلامة الشيخ قاسم بن قطلوبغا. (2002). التصحيح و الترجيح علي مختصر القدوري. بيروت: دار الكتب العلمية
19. بحر الدين محمد بن يعقوب الفيروزآبادي. (2008). القاموس المحيط. القاهرة: دار الحديث
20. برهان الدين علي بن أبي بكر المرغيناني. (1936). بداية المبتدى. القاهرة: مطبعة الفتوح
21. حاجي خليفة. (1941). كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. بيروت: دار إحياء التراث العربي
22. صلاح محمد أبو الحاج. (2020). اختيارات الإمام القدوري. عمان
23. عبد الإله بن محمد املا. (2004). الكواشف الجلية عن مصطلحات الحنفية. مطبعة أحساء الحديثة
24. عبد الحميد بن عبد الحليم اللكنوي. الحل الضروري لمختصر القدوري. كراتشي: نشر نور محمد
25. عبد الحي بن عبد الحليم اللكنوي. (1971). عمدة الرعاية علي شرح الوقاية. بيروت: دار الكتب العلمية
26. عبد الله بن محمد الشربابي. (2010). عنوان البيان و بستان الأزهار. بيروت: دار ابن حزم
27. عبد الله بن محمد الشمراني. (2008). المدخل إلي علم المختصرات. الرياض: دار طيبة
28. عبد الله نذير أحمد مزي. (2014). مكانة مختصر القدوري في الفقه الحنفي
29. علاء الدين السمرقدي. (1984). تحفة الفقهاء. بيروت: دار الكتب العلمية
30. علي عثمان جرادي الحنفي. (1971). مدخل ادراة المذهب الحنفي. بيروت: دار الكتب العلمية
31. فراس محمد موسى الأسطل. (2015). الوجيز الوفي بمصطلحات المذهب الحنفي. فلسطين: رابطة علماء فلسطين
32. محمد سليمان الهندي. (2008). مختصر القدوري مع شرح المعاصر الضروري. مكتبة البشري: كراتشي
33. محمد عاشق إلهي البرني. (1411). التسهيل الضروري لمسائل القدوري. كراتشي: مكتبة الشيخ
34. محمد عبد الحى اللكنوى. (1906). الفوائد البهية في تراجم الحنفية. القاهرة: دار الكتاب الإسلامى
35. محمود بن أحمد بن موسى بن أحمد بن حسين بدر الدين العيني. (2000). البناءة شرح الهداية. بيروت: دار الكتب العلمية
36. محى الدين ابى محمد عبد القادر بن محمد القرشى. (1977). الجواهر المضبة في طبقات الحنفية. الرياض: هجر
37. يوسف بن عمر بن يوسف الكادوري. (1971). جامع المضمرات في شرح مختصر الإمام القدوري. بيروت: دار الكتب العلمية

REFERENCES

1. An-naim. (2003). Tashkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. (in uzbek)
2. Ganiyev, A., & Umaraliev, S. (2019). THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 25.
3. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // *The American Journal of Social Science and Education. Innovations* (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20>
4. Qoriev O. (2009). Farg'ona fiqh maktabi va Burhoniddin Marg'inoniy. Toshkent: Fan. (in uzbek)

5. H. Aminov, S. Pirimov. (2017). Hanafiy fiqhi tarixi, manbalari va istilohlari. Toshkent: Movarounnahr. (in uzbek)
6. Yusuf, Sh. M. (2008). Kifoya 1-juz. Toshkent: Sharq. (in uzbek)
7. Yusuf, Sh. M. (2014). Mazhablar – birlik ramzi. Toshkent: Hilol nashr. (in uzbek)
8. Yusuf, Sh. M. (2011). Fiqhiy yo‘nalishlar va kitoblar. Toshkent: Sharq. (in uzbek)
9. Ibn Qudoma. (2019) Al-mug‘ni (in arabic)
10. Ibn Himom Ad-din Al-Iskandariy. (1316 h). At-tahrir fi usul al-fiqh. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
11. Abu Is‘haq Ibrohim bin Aliy Ash-Shiraziy. (1983). At-tanbih. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
12. Abu Is‘haq ash-Shiraziy. (1401). Tabaqat al-fuqaha. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
13. Abu al-Husayn al-Quduriy. (2004) At-tajrid. Al-Qohira. Dor al-islam. (in arabic)
14. Abu Al-Fado Al-hafiz ibn Kasir. (1991). Al-bidaya va an-nihaya. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
15. Ahmad bin Aliy Abu Bakr al-Hatib al-Bagdadiy. (1422). Tarihu Bagdad. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
16. Ahmad Mustafa bin Tosh Kubri Zada. (1985). Miftah As-sa‘ada va misbah as-siyada. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
17. Az-Ziyot, Ahmad bin Hasan va Rufaqa. Almu‘jam al-vasit. (in arabic)
18. Alloma Shayh Qasim bin Qutlubuga. (2002). At-tas‘hih va at-tarjih ala muhtasar al-Quduriy. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
19. Bahr ad-din Muhammad bin Ya‘qub al-Fayruzabodiy. (2008). Al-qomus al-muhit. Al-Qohira. Dar- al-hadis. (in arabic)
20. Burhan ad-din Ali bin Abi Bakr al-Marg‘inaniy. (1936). Bidoya al-mubtadiy. Al-Qohira. Matba‘at al-futuh. (in arabic)
21. Hoji Halifa. (1941). Kashf az-zunun ‘an asomi al-kutub va al-funun. Bayrut. Doru ihyo at-tiros al-arabiyy. (in arabic)
22. Saloh Muhammad Abu al-Haj. (2020). Ihtiyorot al-imom al-Quduriy. Ammon. (in arabic)
23. Abd Al-Ilah bin Muhammad Al-mulla. (2004). Al-kavoshif al-jaliyya an mustalahat al-hanafiyya. Matba‘at ahsa alhadisa. (in arabic)
24. Abd Al-Hamid bin Abd Al-Halim Al-Laknaviy. Al-hallu ad-daruriy lmuhtasar al-Qududriy. Karachiy. Nashr nur Muhammad. (in arabic)
25. Abd Al-Hay bin Abd Al-Halim Al-Laknaviy. (1971). Umdat ar-rioya ala sharh al-viqoya. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
26. Abd Alloh bin Muhammad Ash-Shibroviiy. (2010). Unvan al-bayon va bustsn al-azhan. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
27. Abd Alloh bin Muhammad Ash-Shamroniy. (2008). Al-madhal ila ilm al-muhtasarat. Ar-riyad. Dor at-tayyiba. (in arabic)
28. Abd Alloh Nazir Ahmad Muziy. (2014). Mekanat Muhtasar Al-Quduriy fi al-fiqh al-hanafiyy. (in arabic)
29. Ala Ad-din As-Samarqandiy. (1984). Tuhfa al-fuqaho. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
30. Ali Usman Jarodiy Al-Hanafiyy. (1971). Madhal ad-dirsat al-mazhab al-hanafiyy. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
31. Farros Muhammad Musa Al-Astal. (2015). Al-vajiz al-vafiy bimustalahat al-mazhab al-hanafiyy. Filastin. Robitat ulama Filastin. (in arabic)
32. Muhammad Sulaymo Al-Hindiy. (2008). Muhtasar al-Quduriy al-Mu‘tasar az-zaruriy. Maktabat al-bushra. Karachiy. (in arabic)
33. Muhammad Ashiq Ilahiy Al-Barniy. (1411). At-tashil Ad-daruriy limasoil al-Quduriy. Karachiy. Maktabat ash-shayh. (in arabic)
34. Muhammad Abd al-Hay Al-Laknaviy. (1906). Al-favoid al-bahiyya fi tarojim al-hanafiya. Al-Qohira. Dor al-kutub al-islamiya. (in arabic)
35. Mahmud bin Ahmad bin Musa bin Ahmad bin Husayn Badr ad-din al-Ayniy. (2000). Al-binoya sharh al-hidoya. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)
36. Muhyi ad-din Abi Muhammad Abd al-Qodir bin Muhammad al-Qurashiy. (1977). Al-javohir al-muziyya fi tabaqat al-hanafiya. Ar-riyad. Hajr. (in arabic)
37. Yusuf bin Umar bin Yusuf al-Koduriy. (1971). Jome al-muzmarat fi sharh Muhtasar al-Quduriy. Bayrut. Dar al-kutub al-ilmiya. (in arabic)